



QASHQADARYO VILOYAT SOG'LIQNI SAQLASH BOSHQARMASI
BUYRUG'I

« 17 » 03 2023 yil 23-T - son Qarshi shahri

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 9 мартдаги №45 –сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинган.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-27-сон Фармонидаги топшириқлар бажарилишини таъминлаш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг назорат режаси 1-иловага;

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури бажарилишини таҳлил ва мониторинг қилувчи ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига:

Ўзбекистан Республикаси Президентининг Фармони ижросини таъминлаш мақсадида бир hafta муддатда жойлардаги тегишли идора, ташкилот ва хомийларни жалб этган ҳолда, маҳаллий шароит ва мавжуд муаммоларни ҳисобга олиб, ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқилсин, тасдиқлансин ҳамда Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига бир нусхаси тақдим этилсин;

Давлат дастурида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда ва сифатли ижроси таъминлансин ва тегишли ҳисоботлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг мониторинг гуруҳига ҳар ойнинг 20 санасига қадар тақдим этилсин;

Давлат дастури чора-тадбирларини амалиётга татбиқ этиш жараёнида аҳоли ўртасида Давлат дастурининг мақсад ва моҳиятини, унда кўзда тутилган кенг қамровли ишлар кўламининг аҳамиятини мунтазам равишда тарғиб этиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари Давлат дастурини амалга ошириш буйича ҳудудий комиссиялар раислари этиб белгилансин ва улар зиммасига дастур ижросини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

5. Мониторинг гуруҳи (З.Қосимов) ижро учун масъул этиб белгиланган бўлимлар билан биргаликда ҳар ой якунида Давлат дастурининг тегишли бандлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мониторинг гуруҳига тақдим этилишини таъминласин.

6. Бошлиқнинг биринчи ўринбосари (Ш.Гаппаров), Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Н.Эгамов) ҳар ойда Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотларни ОАВ, бошқарманинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштириш ва ҳисобот бериб бориш йўлга қуйилсин.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошлиқ

Б.Тешаев

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг
2023 йил 17 мартдаги 237-сонли буйруғига
2 ИЛОВА

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг “2022 — 2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури бажарилишини тахлил қилувчи

МОНИТОРИНГ ГУРУХИ ТАРКИБИ

Т/Р	Ф. И. Ш.	Лавозими
1	Гаппаров Шавкат Хасанович	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
2	Қосимов Зокир Абдухамидович	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
3	Худойбердиев Бахриддин Тошкентович	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Даволаш-профилактика ёрдами ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, тахлилни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи
4	Боймуродов Шомурод Темирович	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош иқтисодчиси
5	Жураев Шокир Иштўхтарович	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош провизори
6	Қурбонова Мавлуда Маҳкамовна	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош акушер-гинекологи
7	Қораев Илхом Умарович	Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими бошлиғи
8	Алимова Дилафруз Наджмитдиновна	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси статист. врач

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги "2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" ПФ-27-сон Фармонидаги Соғлиқни сақлаш бошқармасининг топшириқлар бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат режаси

Т/р	Дастурда белгиланган тадбир ва муддат	Такдим этилган хужжат шакли, амалга ошириш механизмлари	Вазифа ижро муддати	Харажатлар/манбалар	Ижро учун масъуллар	
					Бошқарма ва идоралардан	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан
1.	9.а.2-банд (9.3) Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, беморларга қушимча қулайликлар яратиш мақсадида: 2023 йилда 2 та оилавий поликлиника, 9 та оилавий шифокор пункти ва 15 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш Муддати 2023 йил давомида	Амалий чора-тадбирлар. Амалга ошириш механизми: 1. Ташкил этилиши талаб этилган муассасаларнинг манзилли руйхатини шакллантириш; 2. Муассасаларни ишга тушириш режа-графикни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган режа-графикка асосан ишларни амалга ошириш.	2023 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи: (Б.Тешаев)	Бошлиқнинг ўринбосари Ш.Гаппаров, Даволаш-пофилактика ёрдами ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, таҳлилни ташкиллаштириш бўлими
2.	9.а.3-банд (9.4) 18-40 ёшли аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет, онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувлардан ўтказиш; Муддати 2023 йил давомида	Амалий чора-тадбирлар Амалга ошириш механизми: Шаҳар ва туман даражасида скрининг текширувлардан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳамда графикни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 1. Тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида ишларни амалга ошириш.	2023 йил давомида Режага асосан		Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи (Б.Тешаев)	Бошлиқнинг ўринбосари Ш.Гаппаров, Даволаш-пофилактика ёрдами ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, таҳлилни ташкиллаштириш бўлими

3.	9. а. 4-банд (9.5) Спинал мушак атрофияси билан касалланган болаларни дори воситалари билан таъминлаш; Муддати 2023 йил давомида	Амалий чора-тадбирлар Амалга ошириш механизми: 1. Махсус препаратларни беморларга етказиш.	2023 йил давомида	Ажратилган Давлат бюджети маблағари	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги (Б.Тешаев)	Бошлиқнинг ўринбосари Ш.Гаппаров, ВССБ бош провизори Ш.Жураев
4.	9. а. 5-банд (9.6) Заиф эшитувчи болада Кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, шунингдек, бундай операциялар ўтказилган нутқ процессорларини алмаштириш чораларини кўриш; Муддати 2023 йил давомида	Амалий чора-тадбирлар Амалга ошириш механизми: 1. Кохлеар имплантация операциялари ўтказиладиган болалар рўйхатини шакллантириш;	2023 йил давомида		Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги (Б.Тешаев)	Бошлиқнинг ўринбосари Ш.Гаппаров, бош педиатр Ғ.Олмасов
5.	160.3-банд. Алохида таълим эхтиёжлари бўлган ўқувчилар учун кулай шароитлар яратиш. Алохида таълим эхтиёжлари бўлган (эшитишда нуқсонли бўлган) I-синф ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларга эшитиш мосламаларини тақдим этиш. Муддати 2023 йил ноябрь	Амалий чора-тадбирлар Амалга ошириш механизми: 1. Алохида таълим эхтиёжлари бўлган 1-синф ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида ишларни амалга ошириш.	2023 йил март Режага асосан		Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги (Б.Тешаев) Мақтабгача ва мактаб таълими бошқармаси	Бошлиқнинг биринчи ўринбосари Ш.Гаппаров бош педиатри Ғ.Олмасов

6.	188-банд. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш. Муддати 2023 йил давомида.	Амалий чора-тадбирлар 1. 18-40 ёшли аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш. Амалга ошириш механизми: 1. Вилоят, туман даражасида скрининг текширувлардан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида ишларни амалга ошириш. 2. 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган аҳолини юрак кон-томир касаллиги ва қандли диабет бўйича скрининг текширувлардан ўтказиш. 3. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўрта мактаб ўқувчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш. 4. Онкологик касалликларни эрта боскичларда аниқлаш мақсадида аҳолини скринингдан ўтказиш. 5. Вилоят бўйича 6-23 ойлик бўлган болаларни микронутриент кукуни билан бепул таъминлаш. 6. 2-10 ёшдаги болаларга гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан таъминлаш. 7. Болаларни микронутриент кукуни билан бепул таъминлаш. 8. 2-10 ёшдаги болаларга гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан таъминлаш. 9. Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болаларни, йод препарати билан таъминлаш 10. 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни поливитамин, темир ва фоллий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш.	2023 йил Давомида 2023 йил март Режага асосан 2023 йил март Режага асосан 2023 йил Давомида	Ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатлари да таъкикланмаган бошқа манбалар	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Тешаев), вилоят ҳокимлиги	Бошлиқнинг биринчи ўринбосари Ш.Гапаров, Даволаш-пофилактика ёрдами ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, таҳлилни ташкиллаштириш бўлими
----	---	--	---	--	---	---

11.	199-банд. Аҳоли орасида вирусли гепатитнинг "В" ва "С" турларини эрта таъхислаш ва даволаш тадбирларини амалга ошириш. Муддати 2023 йил ноябрь.	Амалий чора-тадбирлар Амалга ошириш механизми: аҳолини вирусли гепатитларнинг "В" ва "С" турларига скрининг текширувидан ўтказиш. 1. Скрининг текширувларида вирусли гепатитнинг "С" тури тасдиқланган беморларда даволаш тадбирларини амалга ошириш	2023 йил ноябрь	Ажратилган Давлат бюджети маблағлари доираси	Вилоят Соғлиқни саклаш бошқармаси бошлиғи Б.Тешаев,, Иқтисодиёт ва молия бошқармаси	Санитария- эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вилоят бошқармаси, РИМЮПКИАТМ Қ/Ф
12.	Марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация чоралари билан камраб олиш куламини ошириш. Муддати 2023 йил май	1. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва амбулатор шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тизимини 2023-2026 йилларда жорий этиш.	2023 йил давомида	Ажратилган Давлат бюджети маблағлари доираси	Вилоят Соғлиқни саклаш бошқармаси бошлиғи Б.Тешаев, Иқтисодиёт ва молия бошқармаси	Бошлиқнинг биринчи ўринбосари Ш.Гаппаров, Даволаш- профилактика ёрдами ва соғлиқни саклаш қўрсаткичлари, таҳлилни ташкиллаштириш бўлими